

Хамраева Ирода Сайфуллаевна,
Тошкент давлат педагогика университети
докторанти

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАМЧИЛИКЛАРИ БЎЛГАН АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШГАН ҲОЛДА КОРРЕКЦИОН ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

УДК: 371.921

ХАМРАЕВА И.С. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАМЧИЛИКЛАРИ БЎЛГАН АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШГАН ҲОЛДА КОРРЕКЦИОН ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада ақли заиф болалар таълими муаммоси кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар таҳлили асосида ақли заифлик даражалари гуруҳланган, ҳар бир гуруҳ таърифланган ва табақалаштирилган ёндашишни қўллаш асосида ақли заифликни коррекциялаш масаласи кўриб чиқилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: интеллект, интеллект коэффициенти (IQ), интеллектуал камчилик, интеллектуал ривожланмаслик, жароҳат, когнитив билиш жараёнлари, ақли заифлик, нутқий қобиляят, коррекцион таълим.

ХАМРАЕВА И.С. ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ПРОБЛЕМЕ КОРРЕКЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ ДЕТЕЙ С ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫМИ ДЕФЕКТАМИ

В статье рассматривается проблема образования умственно отсталых детей. На основе анализа научной литературы осуществлена группировка уровней умственной отсталости, дана характеристика каждой группы и рассмотрен вопрос коррекции умственной отсталости на основе применения дифференцированного подхода.

Ключевые слова и понятия: интеллект, IQ, интеллектуальное развитие, травмы, когнитивные процессы, умственная отсталость, речевые способности, коррекционное образование.

ХАМРАЕВА I.S. PROBLEMS OF CORRECTIVE TRAINING AND EDUCATION OF CHILDREN WITH MENTAL DEFECTS WITH A DIFFERENTIAL APPROACH

The article deals with the problem of education of mentally retarded children. Based on the analysis of the scientific literature, the grouping of the levels of mental retardation is carried out. The characteristics of each group are given, and the issue of correcting mental retardation is considered on the basis of the differentiated approach implementation.

Key words and concepts: intelligence, IQ, intellectual development, trauma, cognitive processes, mental retardation, speech ability, correctional education.

Кириш.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эълон қилган маълумотларига кўра, айни пайтда дунё миқёсида 750 миллиондан ортиқ ногиронлар истиқомат қилмоқда¹. Шу сабабли, жаҳон миқёсида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни даволаш, тарбиялаш, ўқитиш ва ижтимоийлаштириш масаласи илмий жамоатчилик томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда махсус ёрдамга муҳтож болаларга бўлган муносабат ва ғамхўрлик дунё миқёсида кескин ўзгара бошлади. Дакар декларацияси асосида қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” режа-дастури асосида бутун жаҳонда инклюзив таълимни жорий этиш ҳамда бўлажак дефектологларнинг махсус таълимни самарали амалга ошириш, уларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда². Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларга нисбатан янги муносабат билан боғлиқ бўлган махсус таълим тизимидаги ўзгаришларнинг янги истиқболлари очилмоқда, уларнинг ижтимоийлашуви ва жамиятга интеграцияси муаммолари ҳал қилинмоқда.

Республикамизда руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча болалар етарлича ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай бўлган шарт-шароитларни яратишнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”ги ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларида жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқариш ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш белгилаб берилган.

Бола шахсининг таркиб топиши - ҳаётининг биринчи кунлариданоқ бошланади. Бола ҳар куни кўрган ва эшитганлари асосида борлиққа, теварак-атрофдаги кишиларга ўз муносабатини билдиради, катталарнинг хатти-ҳаракатлари, ишларига, содир бўлаётган воқеаларга боланинг реакцияси, атрофдагиларга бўлган муноса-

бати – буларнинг барчаси бола маънавий оламининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Боланинг хоҳ она қорнида пайдо бўлиши ва ривожланиши, хоҳ туғруқ жараёнидаги ва туғилганидан кейинги ривожланиб бориши учун зарур бўлган маълум шарт-шароитларнинг бузилиши турли хил жисмоний ёки руҳий ривожланишидаги нуқсонлар, камчиликларга олиб келиши мумкин. Шулардан бири бу – ақли заифликдир. “Буюк дидактика”³ асари муаллифи Ян Амос Коменский (1592-1670) ақли заиф болаларнинг ҳам таълим ва тарбия олишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур эканлигини таъкидлаган.

Мавзунинг долзарблиги интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни табақалаштирилган ёндашишни қўллаш асосида коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли, илмий ва амалий тадқиқ этиш.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Ақли заифлик деганда бош миянинг органик жиҳатдан жароҳатланиши натижасида психик, биринчи навбатда интеллектуал ривожланишнинг турғун пасайиши тушунилади. Ақли заиф болалар умумтаълим мактаблари дастурини ўзлаштиришга қодир бўлмайдилар. Оғир даражадаги ақли заиф болалар мактабда билим ва кўникмаларни ўзлаштириб ололмайдилар⁴. Ақли заифлик тушунчасини тўғри тушунишнинг амалий ва назарий аҳамияти жуда катта. Назарий аҳамияти – болалардаги нуқсонли руҳий тараққиётнинг моҳиятини чуқурроқ билиш учун зарур. “Ақли заифлик”ка тўғри таъриф, тушунча бериш, унинг сабабларини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Бунинг амалий аҳамияти янада каттадир. Ақли заиф болалар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари мавжуд. Барча ақли заиф болалар махсус мактабларда таълим-тарбия олишлари лозим. Ақли заиф болаларни тўғри аниқлаш, уларнинг бутун ҳаётини белгилаб беришини инobatга олиб, жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Агар бола ақли заиф бўлмай, маълум хусусиятлари билан уларга ўхшаса ҳам уларни ақли заиф дея

¹ <https://www.weforum.org>.

² Дакарские рамки действий. Образование для всех: выполнение наших общих обязательств // Текст, принятый Всемирным форумом по образованию Дакар, Сенегал, 26-28 апреля 2000 г. – Париж, 2000. – С.18.

³ http://narodnoe.org/old/Classics/Komensky/Komensky_Yan_Amos_Velikaya_didakt_izbr.htm

⁴ Нуркелдиева Д.А. Педагогик – психологик диагностика (ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг педагогик-психологик диагностикаси). Дарслик. Т.: Внешинвестром, 2019. 21-бет.

олмаймиз. Бу ерда боланинг турли анализаторларининг нуқсонлари асосида ҳам билим савиялари пасайган бўлиши мумкин. Айниқса, ақлий нормал болани янглишиб ақли заиф деб хулосалаш асосида ота-оналарга, болага, атрофдаги қариндошларга жуда катта маънавий жароҳат етказиш мумкин.

Ақли заифлик сабаблари турли-туман бўлиши мумкин. Бош миянинг турли касалликлар билан касалланиши, турли жароҳатлар билан бирга миянинг яхши ривожланмаслиги асосида ҳам ақли заифлик келиб чиқиши мумкин¹.

Ақли заифлик ташхисини тўғри қўйиш учун иккита омил бирга келиши лозим:

- булардан бири – марказий нерв системасининг органик бузилиши;
- иккинчиси – шунинг оқибатида бола билиш фаолиятининг турғун пасайиши юз берган бўлса, ақли заиф деб эътироф этиш мумкин.

Ақлий ривожланишида бузилишлари (ақлий ривожланмаганлик) бўлган шахслар қаторига диффузли (ёйилган) кўринишни бош мия қобилиятининг органик шикастланиши асоратида вужудга келадиган асосан билиш соҳасида турғун, қайтариб бўлмайдиган бузилишларга эга шахслар кирди². Ақлий ривожланмаганлик нуқсонига хос хусусият олий психик икки функцияни – хулқ ва фаолиятнинг акс этиши ва тартибга солинишининг бузилиши ҳосилдир. Бу билиш фаолияти жараёнларини (сезги, идрок, хотира, диққат, фикрлаш, тасаввур этиш, нутқ, эътибор) бузилишида, ҳиссий-ирода соҳаси, моторика, умуман шахс хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Ақлий ривожланмаганликни вужудга келишининг сабабларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- наслий касалликлар (микроцефалия, фенилкетонурия, тўқималарнинг боғланиш касалликлари, марказий асаб тизимининг наслий дегенератив касалликлари ва бошқалар),
- хромосомаларнинг тузилиши ва сонидан бузилишлар (Даун синдроми, Х-хромосоманинг синиши билан боғлиқ олигофрения, Клайн-фельтер, Шерешевский-Тернер синдромлари ва бошқалар).

¹ Мамедов К.Қ., Шоумаров Ғ.Б. Ақли заиф болалар психологияси. - Т.: "Ўқитувчи", 1994.

² Петрова В.Г. Психология умственно отсталых школьников: Учебное пособие / В.Г. Петрова, И.В. Белякова. – М.: Академия, 2002. – 160 с. – (Высшее образование)

Ҳаётда ақли заиф болаларга ўхшаган болаларни кўплаб учратиш мумкин. Лекин, уларда билиш даражаси паст бўлсада, бош мияда органик жароҳатланиш йўқлиги болага ақли заиф дейишимизга имкон бермайди.

Ақлий ривожланмасликни белгилашда клиник, психологик ва педагогик мезонлар фарқланади:

- клиник мезонда - ақлий ривожланмаслик ва бу марказий нерв системасининг маълум муайян органик касалликларига алоқадорлиги;
- психологик мезонда – билиш фаолиятининг турғун пасайганлиги;
- педагогик мезонда – ўзлаштириш қобилияти паст бўлиб, боланинг дастур материалларини ўзлаштира олмаслигини ифодалайди.

Мақоланинг илмий янгилиги:

– интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалаларининг долзарблиги ёритилган;

– интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалалари тадқиқи юзасидан илмий адабиётлар таҳлил этилган;

– интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалалари юзасидан мутахассисларга тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг мақсади интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалалари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганиш жараёни.

Тадқиқотда тизимлилик, қиёсий-манتيқий таҳлилдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбаини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни, педагогик, психологик, методик адабиётларни қиёсий-манتيқий таҳлил қилиш натижалари ташкил этди.

Асосий қисм.

Интеллектуал нуқсоннинг ифодаланишига кўра ақлий ривожланмаганликни бир нечта даражалари ажратилади. Интеллектуал ривожланмасликни даражасига кўра олигофрениянинг турли **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ** 2021, 3 (100)

шакллари тизимлаштиришга асосланган умуман қабул қилинган таснифланишга мувофиқ уч асосий гуруҳ аниқланади. Булар ақли заифликнинг: дебиллик, имбециллик ва идиотлик гуруҳлари фарқланади. Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда бу атамалар фақат тор касбий доирадаги мутахассислар (масалан, шифокорлар) томонидан фойдаланилади. Кенг ижтимоий ва педагогик амалиётда бу тушунчалардан фойдаланилмайди, умумлаштирилган ҳолда “қийин ўқитиладиган” тушунчалар қўлланилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти¹ (ЖССТ) томонидан 1994 йилда қабул қилинган таснифланишга кўра мувофиқ интеллект пасайишининг тўрт даражаси фарқланади. Булар:

- енгил даража;
- ўрта даража;
- оғир даража;
- чуқур даража.

Интеллектнинг пасайиш даражаси интеллект коэффициенти билан изоҳланади (ингл. *IQ* — *intelligence quotient*, «ай кью» деб ўқилади) – киши интеллекти даражасининг миқдорий баҳоси (ақлий ривожланганлик коэффициенти): ўрта статистик (шу ёшдаги ёки ўрта ёшдаги) кишининг интеллекти даражасига нисбатан интеллект даражаси: торроқ маънода – ақлий ёшни мазкур шахс (индивид)нинг ҳақиқий хронологик ёшига нисбати. Интеллект даражаси махсус тестлар (Айзенк тести каби) ёрдамида аниқланади. Интеллект коэффициенти умумий интеллект омилини баҳолашга уринишидир².

IQ – бу интеллект даражаси ўлчанадиган бутун дунё томонидан қабул қилинган стандарт (агар Сиз қанчалик ақллилигини билишни ҳамда *IQ* тестидан ўтишни хоҳласангиз, унда Айзенк тестини топширишингиз лозим бўлади). *IQ* тестлари ишлаб чиқишда натижалар медианаси $IQ \mu = 100$ ва стандарт оғиши $\sigma = 15$ кўрсаткичларга эга нормал тақсимланиш билан ифодаланиши назарда тутилади. Агар *IQ* тақсимланиши шу йўл билан аниқланган бўлса, натижаларнинг тахминан $\frac{2}{3}$ қисми (аниқроғи 68,2 %) кўрсаткичлар миқдори 85 ва 115 ўртасида жойлашади, яъни медианадан бир стандарт оғиш чегарасида. Натижалар-

нинг тахминан 50 % $IQ = 100 \pm 10$ чегарасига тушади. Натижаларнинг тахминан 4,6 % медиананинг икки стандарт оғишидан ташқарисида жойлашган: 2,3 % натижаларда $IQ < 70$ ва шунчасида $IQ > 130$. *IQ* қийматининг 70 дан пастлиги кўпинча “**ақлий ривожланмаганлик**” деб таърифланади.

Интеллект коэффициенти инсонларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини (ақлий ривожланиш коэффициенти) баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган, ақлий ёшни хронологик ёшга муносабатини белгилайди. Ақлий қобиляят – бу ўқиш, ўрганиш ва муаммоларни ҳал этиш қобиляятидир. Интеллект инсоннинг когнитив қобиляятларини ўз ичига олади: ҳис қилиш, идрок этиш, диққат қилиш, хотирада сақлаш, тафаккур қилиш, фикрлаш, нутқ сўзлаш, хаёл суриш ва тасаввур қилиш ва ҳоказо. Махсус тестлар (Айзенк тестлари каби) ёрдамида аниқланади. *IQ* 70 баллдан паст бўлса, ақли заифлик деб кўрсатилади³.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1997 йилда қабул қилинган ХКК-10 (яъни, Халқаро касалликлар классификацияси 10 бора қайта кўриб чиқиш натижасида (ХКТ-10) ягона меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинган) Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йилда бутун Россия Федерациясида амалиётга жорий қилинган. Бу меъёрий ҳужжатда “**Ақли заифлик**”⁴ – бу турли хил ирсий, туғма ёки ҳаётнинг эрта бошланишида салбий таъсирлар гуруҳига кирувчи руҳий ривожланмасликдир, деб таърифланади. Бу ҳужжат ХКТ-10 да ақли заифликни этиологиясига кўра диагностикасини кодлашда F7 (F70–F79)⁵ рақамлардан фойдаланиш

³ Нуркелдиева Д.А. Педагогик – психологик диагностика (ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг педагогик-психологик диагностикаси). Дарслик. Т.: Внешинвестром, 2019. 25-бет. John W. Jacobson, James A. Mulick, Johannes Rojahn. Intellectual and Developmental Disabilities. New York, Springer Science+Business Media, LLC, 2007. Page-4.

⁴ Рахманова В.С. Особенности обучения грамматике умственно отсталых школьников: дисс. канд. пед. наук. – Москва, 1986. Нуркелдиева Д.А. Методы определения речевой готовности умственно отсталых детей к обучению в школе: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: ТГПИ, 2001. – 21 с. Хамидова М.П. Мактабгача ёшидаги ақли заиф болалар сўз бойлигини оширишнинг коррекцион-педагогик асослари: Пед.ф.ном.автореф...-Т., 2001. –20 б. Мусаева Н.С. Ақли заиф ўқувчиларда вербал ва невербал мулоқотга киришиш кўникмаларини таълим жараёнида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т.: 2018. 33 б.

⁵ Макаров И.В. Умственная отсталость у детей и подростков. Клинические рекомендации (протокол лечения) **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ** 2021, 3 (100)

¹ Яруллин И.Ф. Основы специальной педагогики и психологии: Краткий конспект лекций / Яруллин И.Ф.; Казанский (Приволжский) федеральный университет. – Казань, 2013. – 136 с. с. 60.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

1-жадвал. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХКК-10), миллий ва МДХ давлатларида интеллект пасайишининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари¹

“Ақли заифлик”нинг ХКК-10 кодлари	IQ	DSM-III Ҳалқаро ва миллий тизим	МДХ давлатлари тизими
	71 ва ундан юқори	Норма	Норма
F 70	50-70	Енгил даражадаги ақлий ривожланмаганлик, ўқитишда қийинчиликлар мавжуд	Дебиллик
F 71	35-49	Ўрта даражадаги ақлий ривожланмаганлик, ўқитишда анчагина қийинчиликлар мавжуд	Имбециллик
F 72	25-39	Оғир даражадаги ақлий ривожланмаганлик, ўқитишда аниқ лаёқатнинг етишмаслиги	Идиотлик
F 73	20 ва ундан паст	Чуқур даражадаги ақлий ривожланмаганлик, таълим олишга умуман лаёқатсизлик	-

таклиф этилган. “Ақли заифлик” тушунчасини яхшироқ тушуниш учун бир нечта синонимлар ҳам берилган. Булар “умумий руҳий ривожланмаслик”, “руҳий ривожланмаслик”, “олигофрения”. Охириги 20-йиллар давомида жаҳон коррекцион педагогика соҳасида “олигофрения” тушунчасига нисбатан “ақли заифлик” тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Демак, “Ақли заифлик”нинг ХКК-10 кодлари F 70 – 79.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХКК-10), миллий ва МДХ давлатлари² олимлари томонидан интеллект пасайишининг сифатли ва миқдорий кўрсаткичларининг солиштирилиши қуйидаги нисбатларни беради.

F 70. Енгил даражадаги ақли заифлик - бу ақлий ривожланмаганликнинг аҳамиятсиз бўлган даражаси. Бу даражадаги болалар ва шахслар ақли заифлик даражалари орасида энг кўп бўлган миқдорини (70 – 80 %)³ ташкил этади. Бу даражадаги болалар нормал ривожланаётган тенгдошларидан орқада қолади. Улар одатда кечроқ юриб, гапиришни бошлайди, кечроқ муддатларда ўзини эплаш кўникмаларини эгаллайди. Бундай болалар қовушмаган, жисмонан заиф, тез-тез бетоб ҳолга тушадиган бўлади. Улар атрофдаги предметлар олами билан қизиқишлари етарлича ривожланмайди: предметларни ўрганмайди, улар тўғрисида

катталардан сўрашга интилмайди, табиат ва ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараён ва ҳодисаларга бефарқ муносабат билдиради. Шу сабабли мактабгача давр якунига келган ёшда уларнинг пасив ва актив луғат бойлиги ҳам етарлича ривожланмайди. Болалар бирор бир содда матн мазмунини равон баён эта олмайди. Иборалари жуда содда. Пасив луғатнинг ҳажми ҳам меъёрга нисбатан кам. Улар инкор этишли гаплар, икки-уч сўздан иборат йўриқномаларни тушунмайди, хатто мактаб ёшида ҳам суҳбатга киришишга қийналади, чунки улар ҳамсуҳбатнинг саволларини етарли даражада яхши тушунмайдилар.

Коррекцион таълим-тарбия олмаган мактабгача ёшнинг охирида бундай болаларда фақат предметли фаолият шаклланади. Ўйинли фаолият етакчи бўлиб қолмайди. Кичик мактабгача ёшда уларда ўйинчоқлар билан мақсадсиз ҳаракатлар устун бўлади (кубикни оғзига олиб боради, қўғирчоқни улоқтиради), катта мактабгача ёшга келиб, предметли ўйинли ҳаракатларда (қўғирчоқни аллалаш, машинани юргизиш), процессуал ўйин – бир хил ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш пайдо бўлади. Ўйинли ҳаракатлар эмоционал муносабат ва нутқ билан бирга содир бўлмайди. Махсус коррекцион тарбиялаш ва ўқитиш асосида сюжетли-ролли ўйин ҳаракатлари мустақил равишда шаклланади. Кўп ҳолларда енгил даражадаги ақли заиф болалар оммавий болалар боғчасига қатнайдилар, чунки бу даврда уларнинг руҳий ривожланишидаги орқада қолиши яққол кўзга ташланмайди. Енгил даражадаги ақли заиф болаларнинг кўпчилиги умумтаълим мактабида таълим-тарбия олмақдалар. Бу ерда улар дарҳол математика, она тили, ўқиш каби фанларни ўзлаштиришда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради. Кўпинча бир синфдан иккинчи

ния). ФГБУ. 2015.

¹ Яруллин И.Ф. Основы специальной педагогики и психологии: Краткий конспект лекций / Яруллин И.Ф.; Казанский (Приволжский) федеральный университет. – Казань, 2013. – 136 с. с-61.

² Яруллин И.Ф. Основы специальной педагогики и психологии: Краткий конспект лекций / Яруллин И.Ф.; Казанский (Приволжский) федеральный университет. – Казань, 2013. – 136 с. с-61.

³ Яруллин И.Ф. Основы специальной педагогики и психологии: Краткий конспект лекций / Яруллин И.Ф.; Казанский (Приволжский) федеральный университет. – Казань, 2013. – 136 с. С-61.

йилга қолади, аммо, такрорий ўқитишда ҳам дастурий материални ўзлаштира ололмайдилар. Қийинчилик сабабларини мумкин қадар эрта аниқлаш ва ақли заиф болаларга махсус коррекцион педагогик-психологик ёрдам бериш учун тиббий-психологик-педагогик комиссия кўригидан ўтказиш лозим.

Асосий қийинчиликлар одатда мактабда таълим-тарбия олиш, ўзлаштириш соҳасида кузатилади ва кўпгина болаларда ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаш алоҳида қийинчиликларни келтириб чиқаради. Енгил даражадаги ақли заиф болалар кўп ҳолларда мавҳум тафаккур талаб қилмайдиган, амалий фаолиятга асосланган, содда қўл меҳнати билан шуғулланишлари мумкин. Улар рассом, сартарош, дурадгор, ошпаз, тикувчи, чилангар, каштачи ва ҳоказо касб-ҳунарларни яхши ўзлаштирадилар ва ижтимоий ҳаётда муайян касб-ҳунар билан мустақил равишда шуғуллана оладилар. Назарий соҳада унумдорликни талаб қилмайдиган ижтимоий шароитларда (масалан, қишлоқ жойларида) мустақил фаолият юрита оладилар.

Тасаввурларни шакллантириш ҳамда билим ва кўникмаларни ўзлаштириш қийинчиликлари, фаолиятининг хар хил турларини ривожлантиришдаги орқада қолишларига қарамасдан, енгил даражадаги ақлий ривожланмаганликка эга болалар ривожланиш учун етарлича имкониятларга эга. Уларда асосан аниқ фикрлаш қобилияти сақланиб қолган, улар амалий вазиятларда йўл топишга қодир, катталарга тақлид қилган, уларнинг аксариятида эмоционал-иродавий соҳа билиш фаолияти соҳасига нисбатан кучлироқ, улар ижтимоий меҳнат фаолиятига бажонидил киришадилар. Енгил даражадаги ақли заиф болалар уларнинг психик ривожланишининг хусусиятларини инobatга олувчи ўқитишнинг махсус услуб, усул ва воситаларига муҳтож. Бундай болаларнинг ривожланиши учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган махсус болалар боғчалари, оддий болалар боғчаларида махсус гуруҳлари мавжуд. 7-8 ёшдан енгил даражадаги ақли заиф болалар ўқитишнинг коррекцион дастурлари бўйича олиб бориладиган махсус коррекцион мактабларида таълим-тарбия оладилар. махсус коррекцион мактабларда ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифалари нафақат коррекцион йўналтирилганли, балки касб-ҳунарга

йўналтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ғ 71. Ўрта даражадаги ақли заифлик. Бунда ҳам бош миянинг катта яримшарлари қобиғи, ҳам ундан пастда жойлашган қисмлари органик жароҳатланган бўлади. Бундай бузилиш бола ривожланишининг эрта даврларида намоён бўлади. Ўрта даражадаги ақли заифлик билиш жараёнларининг шаклланмаганлиги билан тавсифланади. Тафаккурда конкретлик, кетма-кетлик йўқ, болаларнинг ҳаракатлари мақсадли ва актив эмас. Ўрта даражадаги ақли заиф болаларда нутқни тушуниш ва ундан фойдаланиш ўта секин (3-5 йилга кечикиб) ривожланади, бу соҳада тўлиқ ривожланиш эса чекланган. Кўпинча нутқ жиддий нуқсонлар билан кечади. Сўз бойлиги кам, у кўпроқ кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўз ва иборалардан иборат бўлиши мумкин.

Ақли заифликнинг бу даражасидаги болаларнинг деярли барчасида ҳаракатлар координацияси, аниқлиги ва темпи бузилган бўлади. Ҳаракатлар секинлашган, бетартиб, бу нарса югуриш механизмининг шаклланишига ва сакрашни ўрганишга тўсқинлик қилади. Ўрта даражадаги ақли заиф болалар хатто ўсмир бўлганларида ҳам берилган вазифага қийинчилик билан киришадилар ва уни атрофдагилар ёрдами асосидagina бажара олишлари мумкин. Улар бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятга ўтишга қийналадилар. Баъзиларида ҳаракатланиш ривожланмаганлиги, ҳаракатларнинг бир хиллигида, уларнинг темпи секинлигида, сустлик, нокулайликда намоён бўлади. Бошқаларида эса ортиқча ҳаракатчанлик мақсадга номувофикликда, тартибсизликда, ҳаракатлар координацияланмаганликда намоён бўлади. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмалари яхши ривожланмаган. Моторика ривожланишининг кўпол нуқсонларида бу кўникмалар шакллана олмайди. Кўпинча бармоқларнинг дифференцияланган нафис ҳаракатларини талаб килувчи кўникмалар: оёқ-кийим ипини боғлаш, тугмаларни тақиш, кийимдаги ипчаларни боғлашни ўзлаштириш қийинчиликлар туғдиради. Баъзи болалар бутун умри давомида маиший ишларда назорат ва ёрдамга муҳтож бўладилар.

Бундай болаларнинг барчасида диққат-этибори тарқоқ, бирор фаолиятга жалб қилиш мушкул, улар бир зумда чалғиб кетадилар. Диққат йўналтирилган муайян предмет, объект ёки

жараёнга онгнинг актив қаратилишининг сустилиги, тарқоқлиги ҳар қандай, ҳаттоки энг содда мақсадларга эришишга тўсқинлик қилади. Шунга кўра фаолиятнинг барча турларини етарли даражада ўзлаштира олмаслик хосдир.

Ўрта даражадаги ақли заиф болаларда маълумотлар ва тасаввурлар захираси жуда кам. Тарқоқ тушунчалар ҳосил бўлиши умуман йўқ ёки кескин чегараланган. Қабул қилиш ва хотира етарли ривожланмаганлиги кузатилади.

Нутқ ривожланиш даражаси турлича: баъзилари содда суҳбатларда иштирок эта олсалар; бошқалари – фақатгина ўзларининг бирламчи эҳтиёжлари (овқатланиш, кийиниш, ҳимоя қилиш)ни ифодалаш учун етарли бўлган сўз бойлигига эга бўладилар. Баъзилари нутқни ҳеч қачон ўзлаштира олмасалар-да, оддий кўрсатмаларни тушунадилар ва баъзи қўл ҳаракат (жест)лари маъносини ўргана оладилар.

Ғ 72. Оғир даражадаги ақли заифлик. Гўдаклик ёшда бундай болалар кечроқ (4-6 ойликда ва ундан кечроқ) бошини тутиб, мустақил ағдарилиб, ўтира бошлайди. Уларда го-голаш, гувраниш ҳолатлари деярли йўқ, “жонланиш комплекси” шаклланмайди. Юриш кўникмасини 3 ёшдан кейин эгаллайди. Нутқий қобилият мактабгача даврнинг охирида шаклланади ва алоҳида сўзлар баъзида эса содда жумлалардан иборат бўлади. Товушлар талаффузида сезиларли даражада нуқсонлар мавжуд. Умумий ва майда қўл моторика ҳаракатчанлиги сезиларли даражада ривожланмаган, шунинг учун ўзини бошқариш кўникмалари меъёрида ривожланаётган болаларга нисбатан қийинчилик билан ва кечроқ муддатларда шаклланади. Интеллектуал бузилишлар яққол неврологик патологиялар: фалажлик, парҳезлар билан бирга кечади. Уларда умумий тана скелети, бош суяги, қўл-оёқ, тери-тактил, ичак аъзоларининг ривожланиши ва моддалар алмашинувининг бузилиши характерлидир ҳамда диспластик тана тузилиши кузатилади. Билиш фаолиятининг имкониятлари кескин пасайган: сезиш, идрок қилиш, диққат, хотира, тасаввур, фикрлаш қобилияти жиддий равишда бузилган бўлади.

Энг асосий хусусият – бу мустақил тушунчалик фикрлаш қобилиятининг йўқлигидир. мавжуд тушунчалар оддий, кундалик ҳаётда ишлатиладиган, доираси тор сўзлар кўринишида, нутқий ривожланиш юзаки, ўзининг нутқи саёз, тушу-

нарсиз, бироқ кундалик ҳаёт шароитидаги нутқни тушуниш мавжуд.

Оғир даражадаги ақли заиф болаларнинг таълими ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини машқ қилдириш, мулоқотни ривожлантириш, атроф-оламда мўлжал олиш каби вази-фаларни ўрганиш билан чекланиб қолинади¹. Бу болалар коррекцион мактабни битиргач оилада қоладилар, малакали меҳнатни талаб қилмайдиган ижтимоий фойдали меҳнат (масалан, конвертлар ясаш, коробкаларни елимлаш ва бошқа шунга ўхшаш оддий меҳнат турлари) билан шуғулланадилар.

Ғ 73. Чуқур даражадаги ақли заифлик - ақлий ривожланмаганликнинг энг оғир даражаси. Бунда бола ҳаётининг илк ривожланиш кунлариданоқ жиддий нуқсонларни ташхислаш мумкин. Кўп сонли белгилари ичида статик ва моторика функцияларининг бузилишлари алоҳида ажралиб туради: дифференциялашган эмоционал муносабат билдиришда кечикиш; туриш, юриш кўникмаларни кеч намоён бўлиши; гувраниш ва биринчи сўзларни нисбатан кеч намоён бўлиши; атрофдаги объектлар ва ўйинга нисбатан қизиқмаслик. Бундай болаларнинг энг оғирлари йиғламайди, кулмайди, атрофдагиларни танимайди. Ҳеч бир нарса эътиборларини торта олмайди. Фақатгина оғриқдан таъсирланадилар. Улар фазода мўлжал олишга қийналадилар. Юз ифодалари маъносиз. Истеъмол қилса бўладиган ёки истеъмол қилса бўлмайдиган нарсаларни фарқини ажрата олмайдилар. Ўзига қаратилган нутқни ёки имо-ишорани тушунмайдилар. Ғазабланиш аффектлари, ўз-ўзига зарар етказиш ҳолатлари хосдир.

Бу болаларда сезги, идрок қилиш, хотира, эътибор, фикрлаш жараёнлари кескин бузилган, сезгирлик чегаралари пасайган. Улар атроф муҳитни тушунишга эриша олмайди, нутқи жуда секин ва чекланган ҳолда ривожланади ёки умуман ривожланмайди. Моторика ҳаракатларини мувофиқлаштириш, айна вақтда мўлжал олишда ўта оғир бузилишлар кузатилади. Кўпинча бу бузилишлар шунчалик оғирки, ўз гавда қисмини кўтара олмаслик тарзида ҳаёт кечиришга мажбурлайди. Ўз-ўзини бошқаришнинг оддий, шу

¹ Нуркелдиева Д.А. Педагогик – психологик диагностика (ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг педагогик-психологик диагностикаси). Дарслик. - Т.: “Внешинвестром”, 2019. 30-бет.

ҳисобдан, гигиеник кўникмаларни эгаллаш жуда секин ва қийинчилик билан шаклланади. Оғир ақлий ривожланмаганликка эга болалар, худди бошқа болаларга ўхшаб, жисмоний ривожланишга қодир. Улар ўз-ўзини қисман бошқаришга, мулоқот (тушунарсиз нутқ ёки нутқсиз имо-ишора) кўникмаларини эгаллашга, атроф-олам тўғрисидаги элементар ўз тасаввурларини кенгайтиришга ўргатишда ютуқларга эришиш мумкин.

Ақли заиф болалар билан коррекцион-педагогик-психологик реабилитация ишларини эрта бошлаш нуқсоннинг максимал даражада тузатишга ва иккиламчи нуқсонларни олдини олишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаган ҳолда, бўлажак мутахассислар ақли заифлик даражаларининг ўзига хос психологик хусусиятлари, улардаги психологик ўзгаришлар, ривожланиш имкониятлари ҳақидаги билимларни талаб даражасида ўзлаштиришлари;

2. Давлат таълим талаблари асосида, турли даражадаги ўқув дастурларининг изчиллиги асосида коррекцион таълим ва тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш;

3. Коррекцион ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини тўғри ҳал қилишда интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни табақалаштирган ҳолда дифференциал таълимни жорий этиш ҳамда интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларнинг барча даражалари учун алоҳида вариатив коррекцион ўқув дастурларини яратилиши;

4. Енгил, ўрта, оғир даражадаги ақли заиф болаларнинг ўзига хос актуал тараққиёт имкониятларини ҳисобга олган ҳолда коррекцион таълим-тарбияни боланинг “эришилган” тараққиёт даражасига асосланиб эмас, балки боланинг “Яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражага” асосланиб ташкил қилиниши;

5. Коррекцион ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларининг ҳар бирини ўзаро алоқадорликда уйғунлаштириш асосида интел-

лектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни ҳар томонлама ривожлантирилиши;

6. Интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларнинг ота-оналарини ва кенг жамоатчиликни жараёнга фаол жалб қилиш асосида ҳамкорлик ишлари тўғри йўлга қўйилиши лозим.

Интеллектуал камчиликлари бўлган ақли заиф болаларни дифференциал ёндашган ҳолда коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини адабиётлар ва илмий-тадқиқот манбалари асосида дифференциал ўқитиш борасида қуйидаги **тавсияларни** белгиладик:

- Енгил, ўрта, оғир даражадаги ақли заиф болаларнинг ўзига хос актуал тараққиёт имкониятларини ҳисобга олган ҳолда коррекцион таълим-тарбияни боланинг “эришилган” тараққиёт даражасига асосланиб эмас, балки боланинг “Яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган даражага” асосланиб ташкил қилинса, қутилган натижаларга эришилади.

- Ақли заиф болаларнинг мактабгача ёш давридан бошлаб таълим-тарбия олишлари ижобий ҳал этилса, шарт-шароитлар яратиб берилса, коррекцион ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифалари самарали ҳал этилади.

- Коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари ҳар хил йўналишларда (жисмоний, гигиеник тарбиялаш, саводга тайёрлаш, элементар математика, меҳнат кўникмалари, тасвирий фаолият, даволовчи-ҳимояловчи комплекс машқлар, нутқ ўстириш, логопедик, ритмика машғулотлари ва бошқалар) вариатив дастурлар асосида олиб борилса, ақли заиф болаларнинг иккиламчи нуқсонлари имкон даражада бартараф этилишига эришилади.

- Компетенциявий ёндашув асосида коррекцион мактабларда бериладиган билим, кўникма, малакалар мос ва сифатли бўлиши таъминланса, ақли заиф болалар мустақил ҳаётга тайёрланади, мустақил ҳаётга мослашиш жараёнлари яхши кечади, жамиятдаги роли ва ўрнини топади.

Юртимизда бундай болаларнинг соғлом тенгдошлари каби дифференциал таълим-тарбия негизида мос ва сифатли ўқитилиши ва тарбияланиши масалалари ижобий ҳал этилади, пировард натижада эса ақли заиф болалар муайян бир касб-ҳунарнинг эгаси бўлиб, ҳаётда мустақил фаолият юрита оладилар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Дакарские рамки действий. Образование для всех: выполнение наших общих обязательств // Текст, принятый Всемирным форумом по образованию Дакар, Сенегал, 26-28 апреля 2000 г. – Париж, 2000. – С.18.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 240-сонли қарори.
3. Макаров И.В. Умственная отсталость у детей и подростков. Клинические рекомендации (протокол лечения). ФГБУ. 2015.
4. Мамедов К.Қ., Шоумаров Ғ.Б. Ақли заиф болалар психологияси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Мусаева Н.С. Ақли заиф ўқувчиларда вербал ва невербал мулоқотга киришиш кўникмаларини таълим жараёнида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т.: 2018. 33 б.
6. Нуркельдиева Д.А. Методы определения речевой готовности умственно отсталых детей к обучению в школе: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: ТГПИ, 2001. – 21 с.
7. Нуркелдиева Д.А. Педагогик – психологик диагностика (ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг педагогик-психологик диагностикаси). Дарслик. Т.: Внешинвестром, 2019. 21-б.
8. Рахманова В.С. Особенности обучения грамматике умственно отсталых школьников: дисс. канд. пед. наук. – Москва, 1986.
9. Петрова В.Г. Психология умственно отсталых школьников: Учебное пособие / В.Г. Петрова, И.В. Белякова. – М.: Академия, 2002. – 160 с. – (Высшее образование).
10. Хамидова М.П. Мактабгача ёшидаги ақли заиф болалар сўз бойлигини оширишнинг коррекцион-педагогик асослари: Пед.ф. ном. автореф... -Т., 2001. -20 б.
11. Яруллин И.Ф. Основы специальной педагогики и психологии: Краткий конспект лекций / Яруллин И.Ф.; Казанский (Приволжский) федеральный университет. – Казань, 2013. – 136 с.
12. John W. Jacobson, James A. Mulick, Johannes Rojahn. Intellectual and Developmental Disabilities. New York, Springer Science+Business Media, LLC, 2007. Page-4.

Электрон манбалар:

1. <https://www.weforum.org>.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
3. <https://aeon.co/ideas/how-clever-is-it-to-dismiss-iq-tests>.
4. <https://www.ozon.ru/context/detail/id/143861062/>
5. <http://www.amazon.co.uk/intelligence-that-matters-stuart-ritchie/dp/1444791877/>
6. http://narodnoe.org/old/Classics/Komensky/Komensky_Yan_Amos_Velikaya_didakt_izbr.htm